

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуганиевич! Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик кунини муносабати билан йўлдоштан самимий қутловларимни қўйиб қўлайман.

Мухтарам Президент Жаноблари, юксак давлат лавозимида Сизга Ўзбек давлатининг фаровонлиги ва раънақи йўлида катта муваффақиятлар тилайман.

Ишончим комилки, Ўзбекистон ва Россия халқлари ўртасида асрлар мобайнида тарқиб топган самимий дўстлик, ҳамжihatлик ва ҳамкорлик туғилуари тобора ривожланиб, чуқурлашиб бораверади.

Камолоти эҳтиром билан,

А. ТУЛЕЕВ, Россия Федерациясининг Кемерово вилояти губернатори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини байрам қилишни муносабати билан ўз қутловларимни йўллайман.

Ўзбекистон Республикаси халқига энг эзгу тилакларимни изҳор қиламан.

ЖАН, Люксембург Буюк Герцоги.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан тай халқи ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларимни ҳамда Сизга мустақиллик соғиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси халқига эса фаровонлик ва раънақ тилаб билдирган истаklarимни йўллайман.

Пумипон АДУЛЪЯДЕТ, Таиланд Қироли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингиз Мустақиллиги кунини Сиз, Жаноби Олийларига икки Муқаддас масжид ходими, подшоҳ Фахд Бин Абдулазиз Ол Сауд номидан, Саудия Арабистони подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номидан чин қалбдан қутловлар ҳамда Сиз, Жаноби Олийларига мустақам соғиқ ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва раънақ тилаб билдирган самимий истаklar йўллашмига қўлай имконият беради.

Энг эзгу тилаклар ва эҳтиром билан, Биродарингиз,

Абдулла Бин Абдулазиз Ол САУД, Икки Муқаддас масжид ходими ўринбосари, Саудия Арабистони валиахд шахзодаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари, 1999 йил 1 сентябрь — Миллий байрамнинг муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига гоят қизгин табриklarимни йўллаш мен учун шарафдир.

Давлатларимизни бирлаштириб турган ҳамкорлик ва ҳамжihatлик ришталари дўстлик ҳамда бутун инсоният учун эзгуликни излашдан иборат муштарак мақсадларимиз билан тобора мустақамлашмоқда.

Мексика халқи ва ҳукумати номидан Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига ўз қутловларимни йўллар эканман, Сиз, Жаноби Олийларига бўлган гоят юксак эҳтиромимни яна бир бор изҳор қиламан.

Эрнесто Зедильо Понсе де ЛЕОН, Мексика Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва қардош ўзбек халқига самимий биродарлик табриklarини ва эзгу тилакларимни йўллаш шарафига муяссарлигимдан мамнунман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон ҳукуматиининг Ислом Конференцияси ташкилотига олдига қўйган мақсад, вазифаларини бажаришда қўрсатган ҳамкорлигингиз учун ўз миннатдорлигимни изҳор этаман.

Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига мустақам соғиқ, бахт-саодат, Сиз бошлиқ қардош Ўзбекистон халқига доимо тараққиёт ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан. Сиз Жаноби Олийларига камолоти эҳтиром ила,

Азеддин ал-ИРОҚИЙ, Ислом Конференцияси Бош котиби.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Мустақиллик кунини нишонлашни муносабати билан Бирлашган Араб Амирликлари халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номидан Сиз Жаноби Олийларига самимий тилаклар ва табриklar йўллашдан мамнунман. Сиз Жаноби Олийларига бахт-саодат, биродар мамлакатингиз халқига эса раънақ тилайман.

Камолоти эҳтиром ила,

Зонд бин Султон Ол НАХАЁН, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Мустақиллик кунини нишонлашни муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига табриklarимни йўллашдан бахтиерман. Сиз Жаноби Олийларига сизга-саломатлик, мамлакатингизнинг биродар халқига эса фаровонлик тилайман.

Мактум бин Рошид Ол МАКТУМ, Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазир, Дубай ҳокими.

Қарши шаҳри йил сайин чирой очиб, кўркамлашиб бормоқда. Албатта, бу шаҳар ҳокимлиги, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ободонлаштириш соҳасида ибратли ишлар амалга оширилаётганлиги натижасидир. Шунинг учун ҳам муҳбиримиз Қарши шаҳар ҳокими Йўлдош ҚОРАЕВга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Йўлдош Умарович, назаримда Қарши шаҳрининг тарихини ўрганиш юзасидан сўнги йилларда анча-мунча ишлар қилинди. Бундан қўзғалган мақсад нима?

— Президентимиз ўтмишсиз келажак йўқлигини такрор-такрор уқтириб келмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам, шундай. Худди шу сабабга кўра «ога»ларимиз қилиниги тарихимизни йўқ қилишган. Қадимий Қарши шаҳри, унинг қачон шаҳар сифатида шаклланиши, шаҳар аҳолиси қимлар ва улар нималар билан шуғулланганлиги, маданияти, турмуши, ишлаб чиқариши ва ҳокимдорлар ҳақида гапирши мумкин эмасди. Бу атайлаб қилинади. Энди эса замон бошқача. Истиқлол барча қадриятларимизни ўзиниғизга қайтарди. Энди ким эдингиз ким бўлди, дея муносабат қилиш имкони бор. Шу жиҳатдан Қарши шаҳри тарихини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, тарихнинг йилларга бориб тақаладиган Қарши шаҳри ҳақида Ватан озодлиги йўлида курашувчиларга макон бўлган. Соҳибқирон Амир Темур ҳам шу ерда куч тўплаб, лашкар йиққан. Ҳатто мустақиллик гоёси ҳам аслида шу заминда турган, десам хато қилмайман. Негаки, 80-йиллар охири, 90-йиллар бошида «ога»ларимиз атайлаб вилоятларни бир-бирига қўйиш, шу тарихи уларни бир-бирига қарши қўйиш сўбатини олиб борган эди. Ана шундай бир пайтда вилоятнинг ўша пайтдаги раҳбари Ислом Каримов бундай бошқарушни яроқсизлигини исботлаган, шу тарихи Қашқадарнинг, хусусан Қаршининг обод манзил бўлиб қолишини таъминлаган эди. Куп ўтмай у киши республикага раҳбар бўлди. Муста-

қиллиқни эълон қилди. Шу йил апрель ойида «Қадимий Қарши, Урта Осиё шаҳарсозлиги ва маданияти тарихи» мавзуда халқаро илмий анжуман

аҳамиятини, буларнинг истиқлол тўғрисида бўлаётганлигини одамлар онига синдиришга ҳам ҳаракат қилаёмиз.

— Менимча, бунда сўнги йилларда қад ростилаб ишчи-хўжалиқ ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлаётган. — Яқиндагина «Ўзбек-бургунефт» бирлашмаси томонидан 600 томошабинга мўлжалланган теннис корти ишга туширилди. Хўш, уларда қимлар шуғулланиши? Шу шаҳар аҳли, уларнинг фар-

қиладиган бўлса, жорий йилнинг ярмида шаҳар буйича солиштирма нархларда 11 миллиард 918,4 миллион сўмлик саноат маҳсулотини ишлаб чиқарилади. Утган йилнинг шу даврига нисбатан бу анча кўпдир. Усини суруати 102,6 фоизни ташкил этади. Еки 305,7 миллион сўмлик маҳсулот куп ишлаб чиқарилди демакдир.

Яна бир мисол. Ярим йилликда 6 миллиард 817,7 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда бу 32 миң 777 сўмга тўғри келади.

— Бу ниманинг эвазига бўлаётган? Аввало шунини айтиш керакки, ислохотлар илчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган. Шаҳарда рақобат муҳити яратилган. Саноат корхоналарини қайта жиҳозлаш, замонавий технологиялар ўнатишга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, яқиндагина «Дунё-М» ҳиссалдорлик жамиятида «Ўзбеклизинг» компанияси билан ҳамкорликда қиймати 200 миң АҚШ долларига тенг бўлган Италия таъмирланган мақорон ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди. Хўш, бу ерда жаҳон андозаларига мос 6 хил мақорон тайёрланмоқда. «Қаршинон» ҳиссалдорлик жамиятида «Ешлик» оники, «Қарши озиқ-овқат» ҳиссалдорлик жамиятида мақорон, печене маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Утган 6 ойда аҳолига 1 миллиард 422 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. Савдо хизмати кўрсатиш 7 миллиард 678,5 миллион сўмни ташкил этади.

Шулар эвазига 14707 квадрат метр уй-жой қўрилди. 636,5 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди, утган йилга нисбатан ўсин 249 фоизни ташкил этади. Янги қўрилаётган Отчопар маҳалласига 1,6 километрик газ қувури тортилди.

Шуни ҳам айтиб қўйиш керакки, шаҳарда спортнинг барча турларини ривожлантириш буйича ҳокимликнинг Истиқбол режалари тузилган. Шунга кўра ҳокимликнинг ҳар бир масъул ходими спортнинг бир соҳасига масъул қилиб бйркитилган. Улар шу соҳанинг муаммоларини ҳал этишда, амалий ёрдам кўрсатишда, умуман барча ишга бошқоқ бўладилар. Узим ҳам футбол федерациясининг раисман. Мақсадимиз — спортни оммалаштириш. Шу тарихи шаҳар аҳлининг соғлом турмуш тарихи, эришиши. Уйлайманки, албатта, бунга эришамиз. Чунки Вазирлар Мақамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлан-

тириш дастури тўғрисида»ги қарори асосида бир қатор ишлар қилаёмиз. — Сўнги пайтларда маҳаллаларда олиб бйрилатган ишлар одамларнинг тилига тўнмоқда. Бунга қандай эришилмоқда? — Нима десам экан. Гапнинг қисқаси шуки, маҳаллалар билан кунда, кунора шуғулланаёмиз. Очиқ-ошқора сўбат, мулоқот ўтказаямиз. Муаммоларни ўша ернинг ўзида ҳал қилаёмиз. Энг асосийси, шу ишларга маҳаллалар аҳлини жалб қилаёмиз.

Зотан, бошқарушнинг кўп томонлари маҳаллада ривожланаётган. Ана шунини ҳаётга татбиқ этилаёмиз. Назаримда, мут-

тасил ва мунтазам иш олиб бйришимиз натижа бераётган. Маҳаллалар обод бўлаётган. Энг муҳими, одамлар Истиқлол қадрига етишмоқда. «Ким эдингиз ким бўлди? Аввал бизни биров сўрагани, ҳолинг нима дермиди? Энди эса мамлакат Президентидан тортиб, қўйингиз, ҳамма маҳаллада дарди билан қизқаяпти, ёрдам бераёпти», дейишмоқда улар. Оқсоқоллар ана шунини ёшлар онига синдиришмоқда. Бу ҳам, менимча, утган 8 йилда одамларнинг онга қанчалик ўзгариб қетганлигини нишон. Маҳаллада шундай муҳит юзага келдики, билингни, у ерда ҳақиқий ватанпарварлар етишиб чиқди.

— Ишчи шаҳар тарихини ўрганишдан бошлаб, маҳаллаларда ташкилий, тарбиявий, маърифий тадбирларнинг давом эттирилатганини, менимча, жуда катта аҳамиятга эга. Назаримда, бу Ватанга бўлган меҳрин янада жиҳ удрлади.

— Қархон шoirимиз Абдулла Орипов Қаршига бағишлаган шеърда «Қаршимсан — ало аршимсан» деган фахр билан. Истардимки, ҳар бир шаҳар фуқароси ана шундай фахр-ифтихор ҳиссини туйсин. Бу эса тарихини билган, бутунги кунининг қадрига етган кишигагина хос ҳислатдир.

«Халқ сўзи» муҳбири Нарзулла РАВШАНОВ сўхбатлашди.

ҚАРШИМСАН — АЙЛО АРШИМСАН

зандлари. Улар шу ерда маҳоратларини оширишиб, халқаро мусобақаларда қатнашади. Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишди.


Умуман, мен сизга айтсам, Мустақиллик йилларида Қарши шаҳрида куплаб маъмурий бинолар, линей, коллежлар қўрилди, қўрилмоқда. Шу йилнинг 1 сентябрийда 420 ўринли мактаб, қўрилди, маданият ва савдо коллежлари қайта таъмирланди, ишга туширилди. Шаҳар марказидаги академик линей қўрилиши жадал бормоқда. Насиб бўлса, у 2000 йилда фойдаланишга топширилади. «Ўзбекнаво» вилоят бўлимининг биноси шарқона усулда таъмирланди. Хотира майдонини замонавий усулда таъмирдан чиқарилди, фаворалар ўрнатилди.

— Албатта, ана шундай қўрилувчилар қилиш, ободончиликка эътибор бериш учун маблағ керак... — Ҳақиқатан ҳам маблағ бўлмаса, ҳаммаси қуруқ гапигагина қолаверади. Лекин шунини унутмангиз, Қарши ўзига хос саноат маркази ҳам. Мажбур саноат корхоналари ишлаб чиқариш бугунги кун талаблари асосида йўлга қўйилган. Аиниқса, «Қаршиёғ», «Дунё-М» ҳиссалдорлик жамиятиларида, қолаверса, қўрилди, индустриямиз ҳам ёмон эмас. Шўртан газ-кимё мажмуига қўрилуш материаллари ана шу ерда тайёрланмоқда. Рақамларга

қўрилди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда бу 32 миң 777 сўмга тўғри келади.

— Ҳақиқатан ҳам маблағ бўлмаса, ҳаммаси қуруқ гапигагина қолаверади. Лекин шунини унутмангиз, Қарши ўзига хос саноат маркази ҳам. Мажбур саноат корхоналари ишлаб чиқариш бугунги кун талаблари асосида йўлга қўйилган. Аиниқса, «Қаршиёғ», «Дунё-М» ҳиссалдорлик жамиятиларида, қолаверса, қўрилди, индустриямиз ҳам ёмон эмас. Шўртан газ-кимё мажмуига қўрилуш материаллари ана шу ерда тайёрланмоқда. Рақамларга

«БАЙРАМ»НИНГ БАЙРАМ ТУҲФАСИ



Қиравликлар мустақиллик байрами арафасида янги иш бошлаган «ИК Виртеш-инвест» очик турдаги акционерлик жамиятининг «Байрам» масъулияти чекланган жамияти ишчилардан ажойиб туҳфа олдилар. Бу корхона халқимизнинг шухуқи байрам дастурхонига «Байрам» номи билан атадуғчи шиквадли вафасини тортиқ этди. Корхона ишлаб чиқарадиган шиквадли, цитрусли, қўлунтайли вафилар жаҳон андозаларига тўла мос келиши билан ажралиб туради.

Корхона ҳар суткада 2,5 миң килограмм маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Шуниси диққатга сазоворки, корхона ишга тушиши билан қиравлик 120 нафар ёш иш билан таъминланди. Улар шу ернинг ўзида ўқув жараёнини ўтаб, синнов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтдилар. Барча ускуна ва жиҳозлар мураккаб бўлишига қарамай маҳаллий ишларимиз уларни жуда қисқа муддат ичида пухта ўзлаштириб олишди.

СУРАТДА: моҳир қадокловчи Дилором Ризаева. Даврон АҲМАД олган сурат.

DAEWOO C&C
ДЭУ КОМПЬЮТЕР ВА КОММУНИКАЦИЯ
Тел.: 144-43-34; Факс: 144-53-55
Олинг ТЕКМИНГА
10 та телефон
Агар сотиб олсангиз МИНИ-АТС:
Macro Plexus - 10 телефон
Micro Plexus - 8 телефон
IPS 4x16 - 4 телефон
IPS 3x8 - 3 телефон
ТЕКМИНГА
БИЗНИНГ ВАКИЛЛАРИМИЗ:
"Маригра" 186-50-34
"Ремарк" 180-18-77, 100-71-66
"Симпексум" 186-50-34
"Турк она" (37355) 22-725
"Шелен" (3662) 183-14-65

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 7 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати қийматини белгилайди:*/

Table with exchange rates for various currencies: 1 Австралия доллари 86,49, 1 Миср фунти 39,34, 1 СДР 184,45, 1 Австрия шиллинги 10,42, 10 Испания песети 8,62, 1000 Туркия лираси 0,30, 1 Англия фунт стерлинги 216,04, 100 Италия лираси 7,41, 1 Финляндия маркаси 24,13, 10 Бельгия франки 35,56, 1 Канада доллари 89,64, 1 Франция франки 21,87, 1 Голландия гульдени 65,09, 1 Хитой юани 16,21, 1 Швейцария франки 89,87, 10 Греция драхмаси 4,40, 10 Люксембург франки 35,56, 1 ЕВРО 143,45, 1 Дания кронаси 19,29, 1 Малайзия рингити 35,31, 10 Жанубий Корея вонни 1,13, 1 БАА дирхами 36,53, 1 Германия маркаси 73,34, 10 Япония иенаси 12,22, 1 АҚШ доллари 134,15, 1 Польша злотийси 33,26, 1 Россия рубли 5,19, 1 Украина гривнаси 30,60

*/ Валюта қиймати белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



1999 йил — Аёллар йили

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАН МОМО

Чулной момо Бегматова Бўз туманининг Халқобод қишлоғида истиқомат қилади. У Бўзи боғу бўстонга айлантириш учун биринчилардан бўлиб бу ерга келганлардан. Утган йилларда у бригада бошлиғи ва бошқа раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилди, элим деб, юртим деб, тиним билмади. Қишлоғининг, туманининг бузғини жамолни кўриб, фарзанду невараларининг, эвараларининг камолдан кувониб яшаётган 100 ёшли бу онахонинг армони йўқ.

СУРАТДА: онахони табаррук ёши билан ҳоким ўринбосари Матлуба Тўйчиева туманликлар номидан табриқламада.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ТУҒИЛАМАН ҲАР ТОНГ ҚАЙТАДАН..

Туғилмаман ҳар тонг қайтадан
Сирларимни босиб кучоққа...
Майсаларнинг изидан ўлиб
Айламанан сирли сўймоққа.

Туғилмаман ҳар тонг қайтадан
Куччаларнинг сўхйи зикридан,
Онажоним дуларидан,
Ва табаррук момом шукридан...

Туғилмаман ҳар тонг қайтадан,
Кўзларимда порлаб борар нур.
Янроқларнинг кучоқларидан
Туғилмаман покиза ва хур...

Толчимами?
Шабнамми, кимман?
Туғилмаман ҳар тонг қайтадан.
Бўйларингга бўйим етишсин,
Кўлларимдан ушлагин, ВАТАН!
Салима МУЛЛАБОЕВА.

Ўзбекистонга яна бир "Боинг" келди

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллиги нишонланаётган кунларда Американинг Вашингтон штатидаги Сизл шаҳрида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси билан "Боинг" корпорацияси ўртасида мамлакатимиз учун янги "Боинг-757" самолётини сотиб олиш тўғрисида битим имзоланган эди.



Тошкент шаҳри аэропортида янги самолётни кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Л.Ахметов таъкидлаганидек, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви йўлидан дадил бормоқда. Ҳавода йўловчилар ташвиш борасида жаҳондаги кучли рақобат шароитида ўзининг муносиб ўрнини топади. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси давлатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўймоқда. Тантанали маросимда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ж.Пресел иштирок этди.

Д. САИТОВА, ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 1999 йил 18 август №4-сонли ва 30 август 5-сонли қарорига мувофиқ,

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ

сиртки бўлимига ҳужжат топшириб, Давлат тест синовларида юқори кўрсаткичларга эришган абитуриентлар қуйидаги ихтисосликларнинг сиртки бўлимларига пулли шартнома асосида қабул қилишга тавсия этилганликларини маълум қиламиз.

1. Математика ва информатика (ўзб)	144,70 баллдан	114,10 баллгача
2. Математика ва информатика (рус)	129,90 баллдан	111,90 баллгача
3. Физика, Астрономия, Касбга ўрганиш	121,60 баллдан	111,40 баллгача
4. Кимё	154,00 баллдан	113,10 баллгача
5. Биология	149,60 баллдан	114,30 баллгача
6. География	137,20 баллдан	115,40 баллгача
7. Ўзбек тили ва адабиёти	160,00 баллдан	113,90 баллгача
8. Рус тили ва адабиёти	190,10 баллдан	113,60 баллгача
9. Педагогика ва бошланғич таълим услубиёти (ўзб)	138,50 баллдан	113,10 баллгача
10. Педагогика ва бошланғич таълим услубиёти (рус)	130,00 баллдан	114,70 баллгача
11. Педагогика ва психология (мактабгача таълим) Дефектология (ўзб)	142,30 баллдан	113,50 баллгача
12. Педагогика ва психология (мактабгача таълим) Дефектология (рус)	148,10 баллдан	115,00 баллгача
13. Тарих (ўзб)	178,40 баллдан	164,60 баллгача
14. Тарих (рус)	188,60 баллдан	175,10 баллгача
15. Касбга ўргатиш (техника йўналиши бўйича) (ўзб)	129,10 баллдан	112,70 баллгача
16. Касбга ўргатиш (техника йўналиши бўйича) (рус)	106,00 баллдан	96,10 баллгача
17. Мусиқа-педагогика	142,50 баллдан	117,40 баллгача
18. Чизмачилик ва тасвирий санъат	120,70 баллдан	105,40 баллгача

Юқорида айtilган кўрсаткичларга эришган абитуриентларни университет маркетинг бўлими билан боғланиб, шартномаларни зудлик билан 15 сентябргача расмийлаштиришларини сўраймиз.

Маълумотлар учун телефон рақамлари: Маркетинг бўлими: 55-50-77. Қабул комиссияси: 55-70-27. РЕКТОРАТ

SAMSUNG TAШКИЛОТ
ELECTRONICS

«Самсунг электроникс» да ишлаб чиқарилган диаметри 37 дан 76 см. гача бўлган 6 турдаги

ТЕЛЕВИЗОРЛАР:
ER 250 RF
ER 461 RF маркали

КАССА АППАРАТЛАРИ:
VK 5513—1300 V. VK 80-15 — 1500 V
маркали 2 турдаги

ЧАНГ ЮТИЧЛАРИНИ
- КУПОР-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ
- дупл ва ваппа учун сув иситиш ГЕЙЗЕРЛАРИ (Корея маҳсулоти)
- «COWAY» сув тозалаш ФИЛЬТРАЛАРИНИ

СОТАДИ.

Бизнинг манзил:
Тошкент шаҳри,
Глинка кўчаси - 38, "А"-13.

Тел.: 55-38-75,
180-41-54,
пейж. (088) 2617.

Очиқ жамият институти қўмак жамғармасининг ўзбек ваколатхонаси юридик таълим бўйича ўқув дарсликларини ўзбек тилида нашр қилиш учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда Ўзбекистон Республикаси фуқароси, олий юридик маълумотга эга бўлган муаллифлар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. Ариза
2. Муаллиф ҳақида маълумот
3. Тавсиянома
4. Нашрга тайёрланган қўлёзманинг якуний нусхаси
5. Ўқув юрти илмий Кенгашининг қўлёзми нашрга тавсия этиш тўғрисидаги қарори
6. Тақдим этиладиган қўлёзма аввал нашр қилинмаган ва нашриётларга тақдим этилмаган бўлиши керак.

Тақдим этилган ҳужжатлар муаллифга қайтариб берилмайди.

Тўлиқ маълумот ва ариза нусхасини олиш учун Очиқ жамият институтининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига, қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишнинг мумкин:

Тошкент ш., Зарбов кўчаси, 31 (муъжал «Россия» меҳмонхонаси),
Тел.: 120-68-54, 152-27-41, 56-55-09, 56-54-53, 56-51-19, 56-52-09, 56-53-84, 56-51-86
e-mail: jumanazar@osi.freenet.uz

Ҳужжатларни қабул қилиш мuddати: 1999 йилнинг 16 октябри.

«ЎЗМАШСАВДО» АЖ

Тошкентдаги оиборхонасидан

ЗИЛ - 431410 (бортли),
ЗИЛ - 431412 (гилдиракли қисми, шасси),
ЗИЛ - 441510 (шатакчи),
ЗИЛ - 431610 (юк ташувчи),

АЦ - 3307 (ёқилги ташувчи автомобилларни),

"Тожикистон - 3205" автобусини

ишлаб чиқарувчиларнинг нархларидан арзонроқ нархда сотади.

Сотилаётган автомобиллар ва автобустга ДАН бошқармасида рўйхатга қўйиш учун ҳисоб маълумотномаси (счёт-справка) тақдим этилади.

Манзил: 700059, Тошкент ш.,
Усмон Носир 1-тор кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 53-62-54, 53-69-17, 53-83-04.

А. ТАЙПАТОВ,
ЎЗА мухбири.

Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи **Ўрта Осиёда ягона қўшма корхона**

"Лок колор сештез"

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДИ

УНИВЕРСАЛ ЭМАЛЛАРИНИ,
ЙЎЛ БЕЛГИЛАРИ УЧУН БЎЁКЛАРИНИ,
ПАРКЕТ УЧУН

РАНГСИЗ ЛОК (ПФ 283 га ўхшаш), ШПАТЛЁВКА, ГРУНТОВКА ВА УНИВЕРСАЛ ЭМУЛЬСИЯ ЕЛИМИ (ПВА га ўхшаш), 70, 80, 90, 100, 120 мм. МИХЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

СОТИБ ОЛАМИЗ: 0,25x712x820 ўлчамли ЭЖК, ГЖК ОҚ ТУНУКАЛАРИ.

Манзил: Тошкент, Фаронон йўли, 35. Тел.: (371) 191-44-46, 191-47-41. Факс: (371) 191-74-63.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг доимий вакили Кенесбой Юсупбеова ўғли АЙБЕРГЕННИНГ бевақт вафоти муносабати билан таъзия иҳор этади.	Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги «Халқаро телеком» акциядорлик компанияси бош директори ўринбосари А. Избосаровга волидаи муҳтарамаси ШАҲРИБОНУ аянинг вафоти этганлиги муносабати билан чуқур таъзия иҳор қилади.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг доимий вакили Кенесбой Юсупбеова ўғли АЙБЕРГЕННИНГ бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия иҳор қилади.	«Ўзмаком» қўшма корхонаси жамоаси корхона кузатув кенгаши аъзоси А. Избосаровга волидаи муҳтарамаси ШАҲРИБОНУ ИЗБОСАРОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.	«Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси жамоаси бирлашма раҳбари Анвар Жабборова қайнонаси Дилбархон ая ҲАКИМОВА нинг вафоти этганлиги муносабати билан чуқур таъзия иҳор этади.	Ўзбекистон Радиоси жамоаси «Бадий-музика» эшиттиришлар бош муҳарририятининг муҳаррири Азизахон Раҳматовга оналари МАРҲАМАТ аянинг вафоти этганлиги муносабати билан чуқур таъзия иҳор этади.	«Ўзсувқурилиш» давлат концерни жамоаси Қашқадарё вилоятидаги «Гидроқурилиш» очик ҳиссадорлик жамияти раисининг муовини Султон ЧИГИБОВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдирди.
--	--	--	---	---	---	---

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:
М. ЕГОРОВ
(маъсул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-саноий ҳаёт — 133-57-34;
Хуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодийёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0726,
23709 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ,
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. МАДАТОВ.
Навбатчи — Т. АБДУРАҲМОМОВ.
Мусаххик — А. ЭШҚУЛОВ.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топирилади — 23.30

1 2 3 4 5 6